15 май – Халқаро оила куни

Оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич бўғини ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади.

15 май – Халқаро оила куни муносабати билан Данғара туманида **“Оила-тарбия маскани”** мавзусида видеороликлар кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда 49 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан 49 та намунали оилалар иштирок этдилар. Танлов иштирокчиларининг видеороликлари туман ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида кўриб чиқилди. 4 та сектор бўйича ғолиблар аниқланиб, эсталик совғалар билан тақдирландилар.

1-сектор ғолиби Капасарой маҳалла фуқаролар йиғини Турдалиевлар хонадони;

2-сектор ғолиби Тўлабой Тинчлик кўчаси 92-уйда яшовчи Толипова Сотқинойлар хонадони;

3-сектор Катта Амиробод маҳалла фуқаролар йиғинидан Хамрақулов Дилшоджон хонадони;

4-сектор Қора мулла маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сирожиддиновлар хонадони ғолиб

деб эътироф этилдилар.

2020-05-19 16:04:28